



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ

THE MINISTRY OF HEALTH
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT PHARMACEUTICAL
INSTITUTE



XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND
PRACTICAL CONFERENCE

“FARMATSEVTIKA SOHASINING BUGUNGI HOLATI: MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR”

MAVZUSIDAGI MATERIALLARI

МАТЕРИАЛЫ

«СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»

ABSTRACT BOOK OF THE
**“MODERN PHARMACEUTICS:
ACTUAL PROBLEMS AND
PROSPECTS”**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG’LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI TOSHKENT
FARMATSEVTIKA INSTITUTI**

**THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN TASHKENT
PHARMACEUTICAL INSTITUTE**

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ТАШКЕНТСКИЙ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**“FARMATSEVTIKA SOHASINING BUGUNGI HOLATI: MUAMMOLAR VA
ISTIQBOLLAR”**

MAVZUSIDAGI V XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI MATERIALLARI

**МАТЕРИАЛЫ V МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
«СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ: ПРОБЛЕМЫ
И ПЕРСПЕКТИВЫ»**

**ABSTRACT BOOK OF THE 5TH INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
“MODERN PHARMACEUTICS: ACTUAL PROBLEMS AND PROSPECTS”**

**«IBN-SINO»
TOSHKENT – 2024**

АНТИГЕЛЬМИНТ ХУСУСИЯТГА ЭГА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Раджапова Н.Ш., Кариева Ё.С.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Долзарблиги. Бугунги кунда гельминтозлар инсон ва ҳайвонлар орасида энг кўп тарқалган касалликлардан бири бўлиб, содда паразитлар томонидан келиб чиқади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида кўра ушбу патология дунё аҳолисининг 90% да учрайди. Сўнгги йилларда гельминтозлар, биринчи навбатда нематодоз (энтеробиоз ва аскариоз) билан касалланишнинг кўпайиши кузатилмоқда, Болаларда гастроэнтерологик ва аллергия касалликларнинг кўпайиши ҳам маълум даражада гельминтларнинг инвазияси билан боғлиқ. Гельминтлар инсон танасидан нафакат озикланиш манбаи, яшаш жойи ва кўпайиш сифатида фойдаланади, балки уларнинг ҳаётини фаолияти маҳсулотлари билан инсон органлари ва тизимларига доимий токсик зарар етказади.

Беморлар орасида 90% асосан, 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар касалланади. ЖССТ ҳисоботида иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаблар орасида протозоал ва гельминтик касалликлар етакчи ўринни эгаллайди. Шу маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, гельминтлар билан курашиш учун маҳаллий фармацевтика бозорида дори воситалар ассортиментини ўрганиб, янги препаратларни яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Изланишларнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида 2019-2023 йилларда ишлаб чиқарилган ва рўйхатга олинган антигельминт дори воситаларини таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Усул ва услублар. Маҳаллий бозордаги антигельминт дори воситаларининг таҳлили 2019-2023 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестри асосида ўтказилди.

Натижалар. Тадқиқотнинг дастлабки босқичида Реестрда рўйхатга олинган дори воситаларининг умумий сонига нисбатан антигельминт хусусиятли дориларнинг улушини аниқлаш бўйича ишлар амалга оширилди. Келтирилган маълумотларга кўра, йилдан йилга ортиб бораётган талабга қарамасдан, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган антигельминт дори воситаларнинг улуши жуда кичик эканлиги аниқланди. Таҳлил қилинган 5 йил ичида ушбу кўрсаткич 0,7-1,7% ташкил қилган. Бунда 2019 йилдан 2020 йилгача кўрсаткич деярли 2 баробар, яъни 0,8% дан 1,7% гача ошган, аммо 2021 ва 2022 йй. кескин пасайиб, мос равишда 0,7% ва 0,6% ташкил қилган. 2021 ва 2022 йй. ҳолат асосан дунё миқёсидаги Covid-19 пандемиясига боғлиқ деб фарз қилиш мумкин.

2023 йилга келиб ушбу фармакотерапевтик гуруҳ воситаларининг улуши 0,86% гача ошган. Шунингдек, республикадаги маҳаллий фармацевтик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ва рўйхатга олинган антигельминт хусусиятли дори воситалар сони 2019-2021-йилларда (40 тадан 44 тагача) кўпайган, кейинги йилларда эса хорижий давлатларга қараганда кескин камайганлиги аниқланди: 2021 й. - 40 та, 2022 й. - 27 та, 2023 й. - 29 та. Фоиз миқдорида эса таҳлил қилинган 5 йил ичида 54% дан 47,5% гача пасайган.

Хулосалар. Олиб борилган таҳлил натижасида антигельминт дори воситаларга аҳолининг эҳтиёжи катта бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган препаратлар етарли эмаслиги ва йилдан йилга доривор ўсимликлардан олинган препаратлар сони камайиб, синтетик табиатга эга бўлганларнинг сони ошиши кузатилмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда синтетик субстанцияларга нисбатан безарар маҳаллий доривор ўсимликлар асосида антигельминт хусусиятга эга препаратларни ишлаб чиқариш ва фармацевтика корхоналар амалиётига жорий қилиш долзарб эканлиги белгиланди.

77. GULHAYRI ILDIZLARIDAN TIBBIYOT AMALIYOTIDA FOYDALANISH ISTIQBOLLARI Adxamova M., Rizayeva N.M.....	74
78. OBTAINING WATER-INSOLUBLE FILMS USING SILK FIBROIN ^{1,2} Sodiqova M.A., ² Karimov A., ^{1,2} SHomurotov Sh.A.,.....	75
79. ВОПРОСЫ КЛАССИФИКАЦИИ ЛЕЧЕБНО-КОСМЕТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ Баратова М.Б., Кариева Ё.С.....	76
80. ИЗУЧЕНИЕ ПЕКТИНОВЫХ ВЕЩЕСТВ ПЛОДОВ <i>CITRUS AURANTIFOLIA</i> Малютина А.Ю. ^{1,2} , Рубаник Т.Д. ²	77
81. “GELMINT-ART” QURUQ EKSTRAKTINING NAM TORTISH XOSSALARINI O’RGANISH Yuldasheva Sh.X.....	78
82. РАЗРАБОТКА СОСТАВА СБОРА АЛЕРВА, СОСТОЯЩЕГО ИЗ ЯНТАКА И ТРАВЫ ЭРВЫ ШЕРСИСТОЙ (ПОЛ-ПОЛА) Хасанова Б.Ж., Олимов Н.К., Абдуллаева М.У., Сидаметова З.Э.....	79
83. MAHALLIY DORIVOR O’SIMLIK XOM ASHYOLARI ASOSIDA MOYLI EKSTRAKTNI OLIH TEXNOLOGIYASINI O’RGANISH ¹ Pulatova F.A., ² Mirzalieva G.A., ³ Nazarova S.Sh.....	80
84. STRUCTURED CONTENT ANALYSIS OF DRUGS CONTAINING LIPOIC ACID Odilova Sh.I., Zakirova R.Yu.....	81
85. PREPARATION OF FILMS BASED ON SILK FIBROIN AND POLYSACCHARIDES ^{1,2} Sodiqova M.A., ² Karimov A., ^{1,2} SHomurotov Sh.A., ² Chinibekova N.K.,.....	82
86. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ФОРМЫ И РАЗМЕРОВ ЧАСТИЦ СУБСТАНЦИЙ ПАРАЦЕТАМОЛА РАЗЛИЧНЫХ ПРОИЗВОДИТЕЛЕЙ Бердиев Н.Н.....	82
87. UROLOGIK YIG’MA ASOSIDA OLINGAN TINDIRMANI SIFATINI BAHOLASH Tashpulatova N.X, Pazilbekova Z.T.....	84
88. STOMATOLOGIYADA ISHLATISH UCHUN MAHALLIY DORIVOR O’SIMLIK XOMASHYOLAR ASOSIDA FITOVOSITALAR TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISH Nazarova Z.A.....	85
89. “STOMASAL” SURTMASIDAGI TA’SIR ETUVCHI MODDALARNING MIQDORIY TAHLILI Shuhratova M.Sh, Nazarova Z.A.....	85
90. IMMUN TIZIMINI MUSTAXKAMLOVCHI TABIIY O’SIMLIK VA MAHSULOTLARDAN OZUQAGA BIOLOGIK FAOL QO’SHIMCHALAR TARKIBINI TUZISH Ganiev A.K. ¹ , Zakirova Sh.S. ²	86
91. TIBBIYOT MAQSADLARI UCHUN DIALDEGID KARBOKSIMETILSELLULOZA-SERITSIN SOPOLIMERINING OLINISHI VA FIZIK-KIMYOVIY XOSSALARI G’oyibnazarov I.Sh., Yarmatov S.S., Yo’ldoshov Sh.A., Sarimsakov A.A.....	87
92. АНТИГЕЛЬМИНТ ХУСУСИЯТГА ЭГА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ Раджапова Н.Ш., Кариева Ё.С.....	89